

МАМЛАКАТИМИЗДА СУТ- ГЎШТ ВА БОШҚА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10065592>

Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич-

Наманган мухандислик- технология институти доценти, и.ф.н.

Аннотация

Мақолада қишлоқ хўжалигида, хусусан унинг муҳим тармоқларидан бири бўлган-чорвачиликда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида олиб борилган ва пухта ўйланмай ташкил қилинган хусусийлаштириш ислохотларининг оқибатида йўқотилган ишлаб чиқариш қувватлари ва уни тиклаш йўлида охириги 4-5 йил ичида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар ва унинг натижалари ҳақида таҳлилий фикрлар келтирилади. Мақола сўнгида ҳозирда чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш учун таклифлар берилган.

Калит сўзлар

иқтисодий ислохот, хусусийлаштириш, потенциал, озуқа база, ем-хашак, йирик шохли қорамол, гўшт ва сут маҳсулотлари, талаб, чорва бош сони, экин майдони ва озуқа экинлари, селекция ва наслчилик ишлари, субсидия, имтиёзли кредитлаш.

Сут ва гўшт маҳсулотлари инсонларнинг соғлом ва сифатли овқатланишидаги ўрни ва аҳамияти ўта муҳим ҳисобланади. Ҳайвонлардан олинадиган сут ва гўшт маҳсулотлари таркибида мавжуд бўлган ўрин алмашмайдиган аминокислота ва оксил моддаларига бойлиги, шунингдек кўплаб микро ва макро элементларни сақлашлиги баробарида инсонлар саломатлигини ўта зарурий маҳсулотлар қаторида туради. Шунинг учун ҳам гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талаб доимий равишда мавжуд бўлганлиги ва ортиб бориши, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириб бориш вазифасини доимий равишда долзарб қилиб кўяверади. Олиб борилган тадқиқотларимиз натижалари кўрсатмоқдаки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда чорвачилик тармоғининг ривожланишига етарли даражада эътибор қаратилмаганлигининг оқибатида ўша даврдаги мавжуд потенциалларимизни бирмунча кўлдан бой берилди. Тармоқда олиб борилган хусусийлаштиришни жадаллаштириш сиёсати оқибатида ўша

пайтда фаъолият кўрсатиб келган кўшлаб йирик, ўрта ва нисбатан кичикроқ кувватлардаги чорвачилик комплекслари, фермалари арзон нархларда (“қолдиқ қиймат” усулида) баҳоланиб “ўз эгалари”га сотилиб юборилди. Оқибатда, ўз даврида фаъолият кўрсатган, аҳоли ва давлат эҳтиёжлари учун зарур бўлган чорвачилик маҳсулотларини етиштириб келган корхоналар ва у жойларда меҳнат қилиб келган, юқори билим ва тажрибага эга бўлган чорвадорлар- зоотехник ва зооинженерлар, ветеринария врачлари, веттехниклар – соҳа мутахассисларини кўпчилиги ишсизга айландилар. Айтиш керакки, ўша даврларда мавжуд бўлган кўшлаб чорвачилик фермалари ва комплексларида ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялашган (озиклантириш, суғориш, тозалаш, соғиш, сутни совитиб сақлаш, озуқаларни қайта ишлаш ва б.) бўлиб, соҳада меҳнат унумдорлиги бирмунча юқори бўлганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Асосийси, давлат ва жамоат мулкчилигидаги чорвачилик корхоналари “ўз даврининг уддабурон раҳбарлари” кўрсатмалари асосида “хусусийлаштирилиб”, тез фурсатларда чорва фермалари асосан бузилиб, сотилди, мавжуд зотдор, юқори маҳсулдор чорва ҳайвонлари эса илмсиз, соҳани тушунмайдиган одамлар кўлига ўтиб кетиши оқибатида чорва ҳайвонларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, парваришлашни яхши йўлга қўйилмаслиги оқибатида ишлаб чиқариш хажмлари камайиб, истеъмол бозорида сут ва гўшт маҳсулотлари қимматгарчилигини юзага келтирди ҳолос. Бунинг сабаби оддий, ўша даврдаги нархлаштириш сиёсатидаги шошма-шошарлик, бозор талабини хар тарафлама ҳисобга олмасдан, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ва “Ўзгўшт-сут саноати” қайта ишлаш корхоналари томонидан давлат харид нархларидан воз кечилиб, рақобат муҳити хали шаклланиб улгурмаган шароитда сут ва гўшт етиштирувчи жамоа ва фермер хўжаликлари учун сотадиган-топширадиган маҳсулотларига тайёрлов-қабул қилиш корхоналари (ўша даврларда вилоятларда монопол мавқега эга бўлган сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишловчи битта ёки иккита корхона фаъолият кўрсатар эди ҳолос!) ниҳоятда паст, аксарият ҳолларда маҳсулот таннархини қоплаш-қопламаслик даражасидаги эркин бозор нархларини жорий қилиниши, фуқароларни даромадлилик даражаси ҳамин қадар бўлиб, аҳолининг харид қобилиятини ўта пасайиб кетиши, тармоқ ва соҳаларнинг маҳсулотларини ўзъаро алмашинувидаги мавжуд нарх паритетини бузилиши, айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда моддий

манфаатдорликни ифода этмай кўйган даврлар бўлди. Мазкур ҳолат, корхоналарни тезроқ банкротлик ҳолатига олиб келиб, чорва билан шуғулланувчи тадбиркор фермерларимизни “шароитни ҳисобга олиб ишлаш принципи”га амал қилишларини ихтиёрий- мажбурий қилиб кўйилди. Хали хануз ўша охирини пухта ўйламай амалга оширилган қишлоқ хўжалигидаги дастлабки ислоҳотлар товонини тўлашга мажбур бўлинмоқда. Юқоридаги салбий ҳолатларни тезроқ бартараф этиш мақсадида Республика Президенти томонидан охириги 5-6 йил ичида мазкур муҳим тармоқни комплекс ривожлантириш орқали чорвачиликни тиклашга аълоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаш зарур. 2017 йил 16 март куни “Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2841 сонли Президент қарори тармоқни тубдан ислоҳ қилиш бўйича дастлабки муҳим қарорлардан ҳисобланали. Шунингдек 2019 йил 18 март куни “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4243 сонли Президент қарори чорвачилик тармоғини келгуси даврлардаги ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикасида 2018-2019 йиллар давомида барча тоифадаги хўжаликларда чорва ҳайвонлари бош сонлари ўсиши(-камайиши) тўғрисида маълумот(йил охирида, минг бош) 1- жадвал

Кўрсаткичлар номи	2018 йил	2019 йил	2019 йилда 2018 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Йирик шохли қорамоллар	12814,1	12949,7	101,1
Шундан сигирлар	4626	4663,5	100,8
Кўй ва эчкилар	21580,5	21906,9	101,5
Чўчкалар(бош)	58856	54810	93,1

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Республикамизда 2019 йилда 2018 йилга нисбатан таққослаганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 135,6 минг бошга ёки 101,1 фоизга, шундан сигирлар салмоғи 37,5 минг бошга ёки 100,8 фоизга, кўй ва эчкилар сони 326,4 минг бошга ёки 101,5 фоизга кўпайганлигини кўриш мумкин. Лекин, чўчкалар бош сони ҳисобот даврида аксинча 4046 бошга камайган. Фикримизча, мамлакатимизда чўчкалар бош сонининг камайишини асосий

сабаби аввало, чўққачликни юртимиздаги нисбатан иссиқ ва курук об-ҳаво шароитида парваришlash ва боқишдаги қийинчиликлар, кўшимча сарф-харажатларни талаб этилиши ва миллий менталитетимиздан келиб чиқиб, асосан мусулмон халқидан иборат бўлган республикамизички бозорларида чўққа гўшти ва ёғига бўлган талабнинг пасайиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатмоқдаки, 2019 йилги маълумотларни таҳлил қилинганда йирик шохли қорамоллар ва шу жумладан сигирларнинг асосий қисми (93,2% ва 93,6%), қўй ва эчкиларнинг-82,5%, чўққаларнинг-63,1%и дехқон(шахсий ёрдамчи) хўжаликларида парваришланмоқда. Бу борада мос равишда фермер хўжалиklarининг улушлари қуйидагича кўринишга эга бўлган: 5,5% ва 5,4%; 12,3%, 27,4%. Қишлоқ хўжалик фаъолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотларнинг улуши қуйидагича бўлди: 1,3% ва 1,0%, 5,3%, 9,5%.

Мамлакатимизда чорвачиликни янада ривожлантиришга берилаётган Республика миқёсидаги эътиборни ортиши, тармоқни ривожланишига қаратилган кўплаб чора-тадбирлар натижасида асосий турдаги чорва ҳайвонлари ва паррандалар бош сонини нисбатан ортиб бориши, гўшт(тирик вазнда), сут ва тухум маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини ҳам кўпайишига олиб келган.

Ўзбекистон Республикасида 2018-2019 йиллар давомида барча тоифадаги хўжаликларда асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми тўғрисида маълумот(йил охирида, минг тонна)

2- жадвал

Кўрсаткичлар номи	2018 йил	2019 йил	2019 йилда 2018 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Гўшт, тирик вазнда	2430,5	2463	101,3
Сут	10466,4	10714,3	102,4
Тухум, млн.дон	7459,3	7771,2	104,2

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан мамлакатимизда тирик вазн ҳисобида гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 32,5 минг тоннага кўпайиб, бу борада ишлаб чиқариш ҳажми 101,3 фоизга ортган, шунингдек, мос равишда сут етиштириш 247,9 минг тоннага ёки 102,4 фоизга ва тухум ишлаб чиқариш 311,9 млн.донага кўпайган ёки ўсиш 104,2 фоизга етган. Хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилганимизда 2019

йилда ишлаб чиқарилган -гўшт(тирик вазнда) маҳсулотининг 90,6 фоизи, 94,8 фоизи ва тухумнинг 57,8 фоизи деҳқон(шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳисобига; - гўшт(тирик вазнда)нинг 5,1фоизи, -сутнинг 4,3 фоизи ва - тухумнинг 14,7 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига; шунингдек, - гўшт(тирик вазнда) маҳсулотининг 4,8 фоизи, -сутнинг 0,9 фоизи ва тухумнинг 27,5 фоизи қишлоқ хўжалик фаёолиятини олиб борувчи бошқа ташкилотларнинг ҳиссасига тўғри келганлигини ва гўшт(тирик вазн), сут ва тухум каби маҳсулотларни етиштиришда ҳам асосан фаёолият кўрсатаётган деҳқон(шахсий ёрдамчи) хўжаликлар етакчилик қилаётганлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, халқимизда “сигирнинг сути- тилида” деган мақол бор. Бунинг маъноси шуки, ҳайвонинг маҳсулдорлик даражаси, аввало унинг наслдорлик-зотдорлик хусусиятига, парваришlash ва сақlash технологиясига ва энг муҳими ҳайвонларни тўғри, компонентлари баланслашган рацион асосида озиклантиришни йўлга қўя олганимизга боғлиқ бўлади. Тўғри озиклантириш учун хўжалик ихтиёрида сифатли ва таннархи арзон бўлган ем-хашаклар(пичан,сенаж,силос,илдизмевали кизилча,хашаки полиз маҳсулотлари ва ҳ.к.)тўплами, ҳайвонлар турига қараб саноат усулида ишлаб чиқарилган кучли концентратлаштирилган емлар, турли минераллар, микро ва макроэлементлар, витаминлар зарур бўлади.Бир сўз билан айтганда,чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар етарли озуқа базасига эга бўлишлик керак. Мустақкам озуқа базасини яратиш учун хўжаликлар ихтиёрида етарли миқдорда ер майдонлари, уруғлик ва техник воситаларига эга бўлишликлари талаб этилади. Тадқиқотларимиз давомида Республикаимизда фаёолият кўрсатаётган турли тоифага мансуб бўлган қишлоқ хўжалик фаёолияти билан шуғулланувчи хўжалик(ташкilotлар, фермерлар ва деҳқон(шахсий ёрдамчи))ларнинг экин майдонлари таркибида озуқа ер майдонларини эгаллаган ўрнини таҳлил қилдик.

Ўзбекистон Республикасида 2018-2019 йиллар давомида барча тоифадаги хўжаликларнинг экин майдонлари, шу жумладан озуқа экинлари учун ажратилган ер майдонлари тўғрисида маълумот(минг га ҳисобида) 3-жадвал

Кўрсаткичлар номи	2018 йил	2019 йил	2019 йилда 2018 йилга нисбатан фоиз

			ҳисобида
Барча экин майдонлари	3396	3309,4	97,4
ш.ж. озука экинлари майдонлари	242,7	267,6	110,3
Ўртача бир бош йирик шохли қорамолга тўғри келадиган озука ер майдони,га	0.019	0,021	110,5

3-жадвалда келтирилган статистик маълумотлар таҳлили кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда 2018 йилга нисбатан 2019 йилда жами парваришланаётган йирик шохли қорамолларнинг бош сонини ўрта ҳисобда 135800 бошга кўпайганлиги шароитида, уларга ажратилган озука ер майдонлари ҳам ўрта ҳисобда 24900 гектарга кенгайтирилганлиги келгусида ем-хашак базасини нисбатан мустаҳкамланишига ва пировардида олинадиган гўшт,сут ва тухум маҳсулотлари ҳажмини ҳам кўпайишига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, Республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида бозор муносабатлари тобора чуқур ўрин эгаллаб бораётган ҳозирги шароитда чорвачилик тармоғининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораверади. Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатмоқдаки, 2019 йилда чорвачилик тармоғи қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган умумий экин майдон(3309,4 минг га)идан бор йўғи 8,1 фоизига озукабоп экинлар экиб, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти(жорий бозор нархларида, 216283,1 млрд.сўм)нинг 104 378,3 млрд.сўмлик қисмини ёки 48,3 фоизини айнан чорвачилик тармоғи маҳсулотлари ташкил қилганлиги ҳам, тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини нечоғли юқорилигидан дарак беради. Сабаби, дехқончилик тармоғи эгалаган ер майдони умумий экин майдонларининг қарийиб. 97,9 фоиз қисмини эгаллагани ҳолда, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 51,7 фоиз қисмигина дехқончилик тармоғига тўғри келишини айтадиган бўлсак, ердан фойдаланиш самарадорлиги бўйича чорвачилик тармоғи ерданфойдаланишда нисбатан самарадор бўлган дейиш мумкин.

Мамлакатимизда чорвачилик тармоғини келгуси даврларда ҳам ривожланишини таъминлашда 2020 йил 29 январь куни қабул қилинган “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорини аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади. Мазкур қарорга кўра, мамлакатимизда чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда чорвачиликка ихтисослашган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсади олға сурилган бўлиб, унинг ижроси учун масъуллар қуйидагилар этиб белгиланган: Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, “Паррандасаноат” уюшмаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси ва “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмасининг Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгаши.

Республика кенгашининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

-чорвачилик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати корхоналари ҳамда чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

-чорвачиликнинг барча тармоқлари ва наслчилик соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

-чорвачилик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг чорвачилик тармоқларини барқарор ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини ҳамда чорвачилик бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан ахборотларини мунтазам тинглаш;

-чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳсулдорликни ошириш ва озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

-чорвачилик хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинишини ташкил этиш ҳамда чорва бош сонидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини назорат қилиш;

-чорвачиликнинг барча тармоқлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, илмий-тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларни маҳсулот ишлаб чиқариш ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этиш ишларини йўлга қўйиш;

-чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, жумладан, янги қувватларни ишга тушириш ва маҳсулотлар турларини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

-кадрларни тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш. Шунингдек қарор билан, а) тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик бўйича, шу жумладан, чорва комплексларини қуриш, йирик ва майда шохли наслдор чорва молларини харид қилиш, чорва маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича

лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган 20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига компенсация ёки кредит суммасининг 50 фоизи миқдорида кафиллик тақдим этиш вазифаси ҳам юклатилганлигини таъкидлаш зарур;

б) Жамғарма томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига эквиваленти 20 миллиард сўмдан ошмайдиган хорижий валютадаги кредитлар учун тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизигача, лекин 4 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиш кўзда тутилган.

Қарорга мувофиқ 2020-2022 йилларда:

а) чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга давлат томонидан қуйидаги тартибда субсидия ажратилади:

республика ҳудудида фаолият юритаётган наслчилик хўжаликларидан сотиб олинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига 1 миллион сўм миқдорида;

хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига 2 миллион сўм, наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир бошига 400 минг сўм миқдорида;

б) “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасига аъзо бўлган интенсив усулда балиқ етиштирувчи хўжаликларга давлат томонидан қўйидаги тартибда субсидия ажратилади:

интенсив усулда етиштирилган бир тонна балиқ маҳсулоти учун 1 миллион сўм миқдорида;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган 1 дона наслдор она балиқнинг 3,5 миллион сўмгача бўлган харажатларининг 50 фоизи миқдорида;

в) “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликларига ҳар бир бош 1 кунлик наслдор жўжани импорт қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 9 минг сўмини қоплаш учун давлат томонидан субсидия ажратилади.

2020 йилда сотиб олинган наслдор:

а) қорамоллар учун ажратиладиган субсидиянинг умумий суммаси:

республика ҳудудида фаолият юритаётган наслчилик хўжаликларидан сотиб олиш учун 10 миллиард сўм миқдорида;

хорижий давлатлардан импорт қилиш учун 40 миллиард сўм миқдорида;

б) қўй ва эчкиларни импорт қилиш учун ажратиладиган субсидиянинг умумий суммаси 6 миллиард сўм миқдорида белгилансин.

Худудий давлат бошқаруви органлари саналмиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

а) 2020 йилда яйловлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармонида назарда тутилган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобидан озуқабоп экинларни етиштиришни йўлга қўйиш учун чорвачилик хўжаликларига ажратиб берилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда пахта-тўқимачилик кластерлари ва пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари экин майдонининг 10 фоизига беда экилишини таъминлаш топшириғи ижроси юзасидан Республика кенгашига 2020 йил 1 майга қадар ахборот киритиш топшириғи берилган.

Республика кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан чорвачилик, шу жумладан, паррандачилик хўжаликларига озуқабоп экинлар экиш учун чорва моллари ва парранда бош сонига мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини доимий равишда назорат қилиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ходимларини жалб қилган ҳолда жойларда сут соғувчиларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари ва “Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда паррандаларнинг юқори маҳсулдор зотлари ва кроссларини урчитиш билан шуғулланувчи гўшт йўналишидаги II тартибли репродуктор наслчилик паррандачилик корхоналари фаолиятини йўлга қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва “Uzbekistan Airways” АЖнинг 2022 йил 1 январга қадар “Паррандасаноат” уюшмаси таркибидаги паррандачилик корхоналарига ўзи ишлаб чиқарган тухум ва гўшт маҳсулотларини экспорт қилишда, наслдор инкубацион тухум ва наслдор бир кунлик жўжаларни, вакцина, ветеринария дори воситаларини импорт қилишда, истисно тариқасида, амалдаги ҳаво транспортида ташиш тарифларига нисбатан 20 фоизлик чегирма бериш тартиби белгиланди.

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда чорвачилик тармоғини ривожланишини янги босқичларга олиб чиқишда қуйидаги муҳим масалаларга жиддий аҳамият қаратилмоғи лозим: биринчидан, тармоқнинг барча соҳаларида наслчилик-селекция ишларини янада кучайтириш керак; иккинчидан, чорвачиликда маҳсулот

етиштиришни келгусида кўпайтириш ва гўшт ва сут маҳсулотлари нархини барқарорлигини таъминлашда асосий эътиборни чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини сонини кўпайтириш, уларга ем-хашак етиштириш учун ажратиладиган ер майдонлари хажмини аввалги, эски талаб(1 бош шартли қорамолга 0,30 га)дан воз кечиб, унинг хажмини камида 0,5 га/шартли қорамол бошга келтириш зарур. Маҳаллий давлат ҳокимлиги масъулларини фермер фаъолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик, улар учун ажратилган ер майдонларига бошқа экинларни мажбурий жойлаштириш амалиётидан воз кечиш; учинчидан, юқоридаги қарор талабларидан келиб чиқиб, деҳқончилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ихтиёрига берилган экин майдонларини 10,0 фоизига беда экиш орқали азалдан мавжуд бўлган алмашлаб экишни йўлга қўйиш орқали тузроқ унумдорлигини босқичма-босқич ошириш чорасини қатъий талаб сифатида ижросини назорат қилиб бориш; тўртинчидан чорвачилик фермер хўжаликлари учун айланма маблағларга бўлган талабларини ўз вақтида қондиришда имтиёзли кредитлаш тизимини қайта кўриб чиқиш; бешинчидан, чорвачиликда сервис хизмати кўрсатувчи зооветеринария аптекалари ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сунъий уруғлантириш масканлари, шунингдек аҳоли ихтиёридаги чорва ҳайвонлари ва паррандалар учун ем-хашак етказиб берувчи махсус омборхона-дўконлар фаъолиятини тизимли асосда ташкил қилиш, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жойлашган йирик аҳоли яшаш масканларида камида биттадан мазкур шаҳобчаларни ташкил этиш ва уларга тегишли соҳадан камида махсус ўрта маълоумотли мутахассисларни бириктирган ҳолда ички савдо приференцияларини жорий қилишни зарурий чора деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган чорвачиликни ривожланишини янги босқичларга олиб чиқишда қуйидаги муҳим масалаларга жиддий аҳамият қаратилмоғи лозим:

-биринчидан, тармоқнинг барча соҳаларида наслчилик-селекция ишларини янада кучайтириш керак;

-иккинчидан, чорвачиликда маҳсулот етиштириш хажмини келгусида ҳам кўпайтириб боришда гўшт – сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари нархини барқарорлигини таъминлашда асосий эътиборни ихтисослашган фермер хўжаликлари ва бошқа шаклдаги хўжалик бирлашмаларини арзон озуқа базасини шакллантириш учун етарли миқдорда озуқа экин ер

майдонларини (камида шартли ҳайвон ҳисобига 0,30 га қилиб) ажратилиши ва озуқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга эътиборни кучайтириш лозим.

- учинчидан, ихтисослашган чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа типдаги хўжаликларда ветеринария-санитария ишларини талаб даражасига келтириш, ҳайвон ва парранда касалликлари профилактикасига эътиборни кучайтириш зарур, арзон ва сифатли ветеринария доридармонлари ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар ва тадбиркорларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси “Ўзбекистон рақамларда” статистик тўплами, Тошкент-2020.
2. Соҳадалиев А.М. “Чорвачилик фойдали тармоқ....аслида”. Иқтисод ва ҳисобот журнали, 1994 йил.
3. Соҳадалиев А.М. “ Қорамолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва нарх белгилаш муаммолари”. Иқтисод ва ҳисобот журнали, 1995 йил.